



№ 37/08-У

20 20 yil " 18 " май

Учтепа туман прокуратураси томонидан туманда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2020 йил 1-чорагидаги фаолияти ҳақида

Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида берилган ваколатлар доирасида Учтепа туман прокуратураси томонидан туманда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2020 йил 1-чорагидаги фаолияти юзасидан Учтепа туман прокурори Ж.Азимовнинг маърузасини тинглаб, Халқ депутатлари туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман прокурори Ж.Азимовнинг "Учтепа туман прокуратураси томонидан туманда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2020 йил 1-чорагидаги фаолияти ҳақида"ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман прокурорининг мазкур ҳисобот асосида шаҳар ҳудудида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгилансин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларига:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида белгиланган вазифаларни маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқарув идоралари томонидан ўз муддатларида ва тўлиқ бажарилиши;

-иктисодиёт соҳасида бюджетга қўшимча даромадларни аниқлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, изчил давом эттириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхоналарини ишга тушириш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни қайта тиклаш, бўш турган ёки

фойдаланилмаётган бинолардан самарали фойдаланиш каби долзарб масалаларга доимий эътибор қаратилиши;

-ижтимоий соҳада кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, оилани муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлиги ва уй-жой билан таъминланиши каби долзарб масалаларга устувор аҳамият берилиши;

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси(О.Ташанов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессия раиси



С.Имамов



№ 38/08 - II

20 20 yil " 18 " may

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тумандаги ижроси ҳамда 2020 йил 1 чоракда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳамда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек аҳолининг бандлиги, турмуш даражаси ва даромадларини ўстириш, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талабни ошириш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи А.Камиловнинг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тумандаги ижроси ҳамда 2020 йил 1 чоракда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Камилов), туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алманов, Б.Мирзаев, З.Азимбаева), тумандаги таълуқли бўлим ва бошқармалар билан ҳамкорликда туманда ҳар бир секторлар кесимида аҳолини ишсиз қатламни аниқлаб, маҳалла фуқароларнинг бандлигини таъминлашда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига (уйбоши, ҳудуд назоратчиси, ҳудуд фарроши, МЧЖдаги ишлаб чиқаришга) жалб қилиниб, изчил равишда олиб борилсин.

3. Мазкур қарорни назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) ва Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ж.Каримов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессия раиси

С.Имамов



№ 38/08 - II

20 20 yil " 18 " may

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тумандаги ижроси ҳамда 2020 йил 1 чоракда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан ҳамда “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш, шунингдек аҳолининг бандлиги, турмуш даражаси ва даромадларини ўстириш, меҳнат бозорида иш кучига бўлган талабни ошириш мақсадида, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи А.Камиловнинг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тумандаги ижроси ҳамда 2020 йил 1 чоракда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини бандлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учтепа тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Камилов), туман ҳокимининг ўринбосарлари (А.Хужанов, Ш.Шаакрамов, Л.Алманов, Б.Мирзаев, З.Азимбаева), тумандаги таълуқли бўлим ва бошқармалар билан ҳамкорликда туманда ҳар бир секторлар кесимида аҳолини ишсиз қатламни аниқлаб, маҳалла фуқароларнинг бандлигини таъминлашда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига (уйбоши, ҳудуд назоратчиси, ҳудуд фарроши, МЧЖдаги ишлаб чиқаришга) жалб қилиниб, изчил равишда олиб борилсин.

3. Мазкур қарорни назорат қилиш халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) ва Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ж.Каримов) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессия раиси

С.Имамов



№ 40/08-У

2020 yil - 18 - май

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлими бошлигининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Учтепа туманидаги ижроси тўғрисида

1993 йил 3 сентябрдаги “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 938-ХП-сонли Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлими бошлиғи (О.Мирзаев)нинг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Учтепа туманидаги ижроси юзасидан хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4546-сон, 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4555-сон Қарорларининг, мазмун-моҳияти ҳамда пенсия қонунчилигидаги ўзгаришлар, давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлов жараёнидаги муаммоларнинг ечими тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиши ва фуқаролар муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириши кучайтирилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (А.Хужанов) нинг зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессия раиси

С.Имамов



№ 41/08-II

2020 yil " 18 " may

**Туманда 2020 йил 1 чорақда инвестиция лойиҳаларини амалга
ошириш масалалари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 24-моддаларига асосан ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш ва Учтепа туманида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Учтепа тумани ҳокими ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғининг ҳисоботини муҳокама этиб, халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи О.Камиловнинг “Туманда 2020 йил 1 чорақда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи (О.Камилов), туман ҳокимининг Молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (А.Хужанов), тегишли тузилма ва ташкилот раҳбарлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4563-сон қарори билан Учтепа тумани бўйича тасдиқланган 6 та инвестиция лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда хорижий инвестицияларни ўзлаштирилиши бўйича тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш;

Инвестиция лойиҳаларини самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, улардан мақсадли фойдаланиш, ушбу мақсадларда манфаатдор давлат идоралари билан ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш кучайтирилсин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи (О.Камилов) амалга оширилган ишлар юзасидан

2020 йил II чорак якуни бўйича халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига ҳисобот киритилсин.

4. Ушбу қарор ижроси назорати халқ депутатлари халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия масалалари бўйича комиссияси ва туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи О.Камилов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессия раиси



С.Имамов



№ 42/08-II

20 20 yil " 18 " may

Муниципал активларни бошқариш маркази туман бўлими 2019 йил ўтган даврдаги ва I-чорак давомидаги фаолияти, шунингдек, келгусидаги режалари юзасидан ҳисоботи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарори ижросини таъминлаш ва Муниципал активларни бошқариш маркази туман бўлими раҳбари – Б.Сағатовнинг 2019 йил ўтган даврдаги ва I-чорак давомидаги фаолияти, шунингдек, келгусидаги режалари юзасидан маърузасини тинглаб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Муниципал активларни бошқариш маркази туман бўлими раҳбари – Б.Сағатовнинг 2019 йил ўтган даврдаги ва I-чорак давомидаги фаолияти, шунингдек, келгусидаги режалари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Уй-жой ҳудудий комиссияси фаолиятини шаффофлигини таъминлаш мақсадида, депутатлар ўз округидаги фуқароларининг уй-жой ҳудудий комиссия жарёнида иштирок этсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтера туман Кенгаши
сесени раиси

С.Имамов



№ 43/08 - II

20 20 yil " 18 " май

Туманда ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат, савдо ва транспорт хизматлари кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг карантин даврида санитария ва эпидемиялогия қоидалари ва меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда фаолиятни тиклаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармони ҳамда 2020 йил 5 май куни ўтказилган видеоселектор мажлисининг 31-сонли баёнида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш, шунингдек, Учтепа туманида жойлашган, фаолиятини вақтинча тўхтатган ишлаб чиқариш, қурилиш, хизмат, савдо ва транспорт хизматлари кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларни белгиланган карантин талабларига риоя қилиб ишлашини ташкил этиш мақсадида, Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман солиқ инспекцияси бошлиғи (Р.Аширматов)нинг "Тумандан рўйхатдан ўтган жами 1566 та хўжалик юритувидаги субъектларнинг санитария ва эпидемиялогия қоидалари ва меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда фаолиятни тиклаш таклифи тўғрисида"ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Туман ишчи гуруҳининг хулосаларига асосан иловага мувофиқ фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналарни Ўзбекистон Республикасининг санитария нормалар, қоидалар ва гигиеник нормативлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлашига рухсат берилиши тавсия этилсин.

3. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши котибияти (Б. Ишанходжаев), туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов):

фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг санитария нормалар, қоидалар ва гигиеник нормативлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлашига рухсат бериш юзасидан мазкур қарор билан тасдиқланган корхоналар рўйхати Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2020 йил 5 май куни ўтказилган видеоселектор мажлисининг 31-сонли баёнига асосан фаолият юритишга рухсат берилган соҳаларга қўшимча равишда, эпидемиологик вазият яхши бўлган ҳудудларда ноозик-овкат дўконлари, тиббий диагностика, такси хизмати, бино ва уй-жойларни таъминлаш, тикувчилик, маиший техника ва пойабзал тузатиш, саргарошхоналар фаолияти бўйича кучайтирилган санитария талабларини белгиланган ҳолда, уларнинг фаолиятини давом эттиришлари учун рухсат берилсин.

5. Учтепа туман сектор раҳбарлари, Давлат санитария эпидемиология ва оёсийшталик бўлими (А.Хасанов), тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

Учтепа туманида ишлаши мумкин бўлган корхоналарни рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасининг санитария нормалар, қоидалар ва гигиеник нормативлари талабларига қатъий риоя қилинишини назоратга олинсин.

6. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши
сессия раиси



С.Имамов



№ 44/08-Ў

20 20 йил - 18 - май

Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 чорак даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан ажратилиши кўзда тутилган харажатлар ҳисоби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бюджет кодекси 27-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Учтепа тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман молия бўлими бошлиғи (А.Рустамов)нинг “Туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 чорак даромадлар режасидан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан ажратилиши кўзда тутилган харажатлар ҳисоби тўғрисида”ги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин

2.Туман ҳокими маҳкамасининг Аппарат раҳбарининг билдиргиси асосан Кўриклаш хизмати томонидан туман ҳокимлиги биносини 24 соат кўриклаш учун 91 млн. сўм, туман ҳокимлиги "TURON MEDIA" интернет хизматидан фойдаланиш учун, "Unicon-Soft" МЧЖнинг "ijro.gov.uz" дастури учун ҳамда оперативка DDR 4 16 GB 2400 mhz хариди учун 11 млн. сўм, туман ҳокимлигига хизмат зарурияти туфайли почта моллари учун 18 млн. сўм ва туман ҳокимлигига хизмат зарурияти туфайли канцелярия моллари учун 17 млн. сўм, жами 137 млн. сўм маблағ ажратилсин;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5515-сонли Фармониға мувофиқ, Туман ҳокимлиги ва Молия бўлими ходимларининг 2020 йил учун лавозим маошларига устама учун 831 млн. сўм маблағ ажратилсин;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917 сонли қарорига мувофиқ, Туман маҳаллий бюджетининг шакланган қўшимча маблағларини “openbudget.uz” ахборот порталиға жойлаштириш учун 371 млн. сўм маблағ ажратилсин;

5. Туман ҳокими ўринбосари Л.Алмановнинг билдиргиларига туман ободонлаштириш бошқармасига ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари учун, туман ободонлаштириш бошқармаси ходимларини манзилға етказиш учун ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида ДАМАС автомашинаси хариди учун, туман ободонлаштириш бошқармасига зарур бўлган Триммер ва Дробилка ускуналари хариди учун, туман “Махсустранс”

ДУК олдидаги қарзини қоплаш учун ҳамда “Тепакўрган” маҳалласи, 11-мавзе 31 ва 33-уйлар ҳудудидаги ташқи ёритиш тизимларини яхшилаш учун жами 658 млн. сўм маблағ ажратилсин;

6. Туман ҳокими ўринбосари Б.Мирзаевнинг билдиргиларига мувофиқ, 17-Мақтабгача таълим муассасасини жорий таъмирлаш ишлари учун 1 млрд. 110 млн. сўм, 23-оилавий поликлиниканинг “Бирлик” филиалини мебель анжомлари билан жиҳозлаш учун 50 млн. сўм, жами 1 млрд 160 млн. сўм маблағ ажратилсин;

7. Тошкент шаҳар ҳокими 1-ўринбосарининг 2020 йил 17 мартдаги 02-439-сонли хатига асосан, 2018 йил “Обод маҳалла” дастури бўйича 178, 234 ва 435 Мақтабгача таълим муассасалар юзасидан қарздорликни қоплаш учун 217 млн. сўм маблағ ажратилсин;

8. Сессия кун тартибига киритиладиган масала “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 7 кун олдин тақдим қилинсин.

9. Мазкур қарор ижроси назорати Молия бўлими мудирини (А.Рустамов), Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Учтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Хужанов зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа тумани кенгаши
Сессия раиси

С.Имамов